Иккинчи сценарийга кўра, водий вилоятлари ўртасида янги аэропорт куриши. Бу худудларнинг сайёҳлик ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга янги кўлаб бахш этади. Унда парвозлар сонини кўнига 40-45 тага етказган ҳолда, энг тигиз пайтларда 5000 йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин бўлади.

Умуман олганда, 2026 йилга қадар аэропортларни таъмирлаш ва янгилаш куришга 829 миллион доллар миқдориде маблағ йўналтирилиши. Унинг 287 миллион долларини шу йилнинг узида ўзлаштириш назарда тутилган.

Худудий парвозлар миқёсини янада кенгайтириш ҳам кун тартибидеги долзарб масала бўлиб турибди. Саёҳатлар-



ни ташкил этишда ҳаво транспорти энг муҳим воситалардан бири саналади.

Шу йил 26 апрель кунин Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йилгилашда сайёҳларнинг хорижий ва ички авиақатновларга бўлган талабини қондириш бўйича ҳам қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, 1 июлдан бошлаб “Зиёрат туризми” дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматларга 50 фоизгача чегирилган жорий қилинади. 1 октябрда қадар маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги “Silkavia” компанияси ташкил этилади. Харажатларни камайтириш мақсадида 9 та самолёт тўлиқ эконом-классга ўтказилади.

— Олдимизда ички парвозларни нафақат “point to hub” (пойтахтдан худудларга) тамойили асосида, шу билан бирга, “point to point” (худудлараро) услуби бўйича амалга ошириш вазифаси турибди, — дейди Р.Жўраева. — Ҳозирги кунда қирқча яқин йўналишни ишга тушириш учун 70 нафаргача йўловчи ташийдиган самолётларни харид қилиш устида иш олиб бориляпти. Учаш нархлари темир йўлиники билан барабар бўлиши режалаштирилмоқда. Чипталар нархининг пасайиши ички сайёҳлик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Осмон очик ва мусоафво бўлса, қушлар парвози сарбаланд, одамлар кайфияти кўтаринки бўлади. “Олтин қанот” қушларнинг эркин учуши учун қулай шарт-шароит, замонавий инфратузилма зарур. Хориж ёки қадрдон юртдаги шаҳр сафарини ният қилган йўловчилар мўътадил нархда сифатли хизмат кўрсатилишидан манфаатдор. Уларнинг барчаси мужассам бўлган авиақўналгаларга ҳаво кемалари ҳам, йўловчио сайёҳлар ҳам ошкяверади. Бу наинки аэропортларнинг иқтисодий соҳияятини, айти кезде юртимиз халқаро нуфузи ва имижининг ошишига ҳам хизмат қилади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи



27 апрель куни Президентимиз раислигида қишлоқ ҳўжалигида халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларнинг бориши ҳамда таълим сифатини яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган йилги таълимнинг таъкидланганидек, сўнгги беш йилда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига 2,5 миллиард доллар хорижий ресурслар жалб қилинган. Шундан, 1,7 миллиард доллар ўзлаштирилиб, 4 мингга яқин лойиҳа амалга оширилди. Бунинг ҳисобига 2,5 минг гектар замонавий иссиқхоналар, 11 минг гектар интенсив боғ, 6 та қўчатчилик ҳўжалиги ва 350 минг тоннагача маҳсулот сақлаш имконига эга музлаткичли омборхоналар ташкил этилди.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти — ФАО ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамкорлигидаги “Келажак авлод учун ақлли деҳқончилик” лойиҳаси ана шундай истиқболли ташаббуслардан бири. У иссиқхоначиликни ривожлантиришга қаратилган. Яъни, қишлоқ ҳўжарадаги кичик иссиқхоналарни замонавий усулда модернизация қилиб, илғор технологияларни қўллаш ҳисобига маҳсулот етиштиришда юқори сифат ва ҳосилдорликка эришиш мақсад қилинган.

Лойиҳанинг илк босқичи ўтган йили Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бошланди. Дастлаб 20 та хонадон танлаб олиниб, уларнинг иссиқхоналари лойиҳа грант маблағлари ҳисобидан охириги технологиялар асосида қайта таъмирланди.

— Бу глобал миқёсдаги лойиҳа бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Вьетнамда амалга оширилмоқда, — дейди ФАО лойиҳасининг миллий маслаҳатчиси, агроном Хайрулла Эсонов. — Лойиҳанинг умумий қиймати 3,4 миллион долларга тенг. Келишувга кўра, лойиҳа Ўзбекистонда 2020-2024 йиллар давомида амалга оширилади. Жараёнда асосан кичик ҳажмдаги иссиқхоналар билан ишлангани боис, биринчи босқичда 1,2 сотихдан 9,4 сотихгача майдон-

лар танланди. Илк босқичда манфаатдорлар қишлоқлардаги даромади паст ва доимий бўлмаган уй ҳўжаликлари орасидан танлаб олинди. Шу билан бирга, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, улар сони кўп бўлган хонадонларга устувор аҳамият қаратилди. Ўтган йили иш бошлаган лойиҳа иштироки-

ни оширишда муҳим аҳамиятга эга. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қишлоқ ҳўжалигини илмий асосда ва интенсив ривожлантириш орқали деҳқон, фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ ҳўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш белгиланган. Бу бо-

Зараркундаларга қарши кучли химё

Қишлоқ ҳўжалигида кўпинча сув танқислиги, ер унумдорлигининг пастлиги, касаллик ва зараркундалар юқори ҳосил олишга тўсқинлик қилади. Анъанавий қишлоқ ҳўжалигида бу муаммоларга қарши курашда катта харажат ва воситалар талаб этилса-да, ҳар доим ҳам қутилган натижани беравермайди. Замонавий деҳқончилик эса барча жараённи назорат қилиш мумкин бўлган илғор технологияларни тақлиф этмоқда. Бу нафақат сув ёки бошқа ресурсларни тежовчи, балки зарур ҳаво ҳароратини таъминлашга қаратилган энг янги усуллардир.

ФАОнинг “Келажак авлод учун ақлли деҳқончилик” лойиҳаси ана шундай юқори технологияларга асосланган. Лойиҳа бўйича иссиқхоналар тўлиқ замонавий тизимга мослаштирилиб, ишлаб чиқаришнинг беш асосий омилли — иқлимни бошқариш, зараркундалар ва касалликларга қарши курашиш, иссиқхонанинг бошқарув амалиётлари, сувдан фойдаланиш ва ўсимликларни озиклантириш бўйича мақбуллашти-



сига анъанавий лой суваш ўрнига, соя берадиган тўрлар ёпилади. Зараркундаларга қарши курашнинг янги усули бўлган тутқич ва чивинларни тўтиб қоладиган тўрлар эса танлаб олинган хуудлар амалиётида янги усуллар. Мутахасссларнинг айтишича, бу тўрлар ҳаво айланишини ҳам яхшилайдди.

Иссиқхоналар кираверишига вирус ҳамда бактерияларга қарши қўш эшикли тизим ўрнатилган. Дезинфекцияловчи пол қопламалари, содда қилиб айтганда, мат ёки гиламага ифлосланишларга қарши қўшилган ёрдам берадиган гигиеник восита сифатида

деярли ярмини йўқ қилди. Илгари мен берадиган тўрлар ёпилади. Зараркундаларга қарши курашнинг янги усули бўлган тутқич ва чивинларни тўтиб қоладиган тўрлар эса танлаб олинган хуудлар амалиётида янги усуллар. Мутахасссларнинг айтишича, бу тўрлар ҳаво айланишини ҳам яхшилайдди.

Иссиқхоналар кираверишига вирус ҳамда бактерияларга қарши қўш эшикли тизим ўрнатилган. Дезинфекцияловчи пол қопламалари, содда қилиб айтганда, мат ёки гиламага ифлосланишларга қарши қўшилган ёрдам берадиган гигиеник восита сифатида

Янги усуллар оммалашмоқда

Аслида, лойиҳа 3 босқичдан иборат бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда техник кўмак кўрсатишни ўз ичига олади. Мутахассслар аҳолига иссиқхонани замонавийлаштиришда кўмаклашиш баробарида, ҳар ҳафта техник ёрдам ҳам кўрсатиб боради. Шу кунга қадар иссиқхона эгалари учун ташкил этилган тренингларда ўнлаб бенефициарлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахслар иштирок этди.

— Машғулотларда асосан санитария ва чекловчи чоралар, сув ресурсларини бошқариш ва ўсимликларни озиклантириш, тупроқни бошқариш, зараркундалар ва ўсимликлар касалликларини комплекс назорат қилиш ва бошқа кўплаб мавзулар бўйича илғор хориж тажрибаси ўргатилади, — дейди Х.Эсонов. — Хусусан, экинлар ҳосилдорлигини оширишда муайян амалиётларни қўллаш тақлиф этилади. Айтилик, ўсимликларни чанглатиш “Bombus Terrestris” деб номланувчи махсус арилар ёрдамида амалга оширилиши самарали. Бундан ташқари, иссиқхонада ўсимликлар орасидаги масофа ҳам муҳим — у 40, эгитлар орасидаги масофа эса 50 сантиметр бўлиши мақсадга мувофиқ.

“Ақлли” иссиқхонада бу каби янги усулларнинг барчасини қўллаш учун зарур шaroит мавжуд. Агар хонадон эгалари усқуналардан тўғри фойдаланса, технология узоқ йилларгача хизмат қилади. Унинг ёрдамида пишиб етилмаган маҳсулотлар эса сифати ва экологик тозаллиги билан тезда харидорларини топади. Асосийси, бундай иссиқхоналарда йил давомида маҳсулот етиштириш мумкин. Ҳосилдорлик ва сотиш ҳажми эса камида 20 фоизга ошади.

Бу лойиҳанинг дастлабки босқичи ҳоло. Навбатдаги қадам ийғим-теримдан кейинги қайта ишлашни тақомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги назорати ва маркетингни яхшилашга қаратилган. Шу орқали мақсуд лойиҳа қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, иссиқхона деҳқончилигини ривожлантиришга хизмат қилади. Натижада ички ва ташқи бозорларни сифатли ҳамда экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти ошади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

АГРОСАНОАТ



“АҚЛЛИ” ДЕҲҚОНЧИЛИК:

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ, ЮҚОРИ ҲОСИЛ ВА ДАРОМАД

лари шу кунларда биринчи ҳосилини олиш арафасида. Замонавий технологиялар ёрдамида манфаатдорларнинг бир неча баробар кўпроқ ҳосил олиши ва асосийси, бу орқали даромадлари ошиши кутилмоқда.

Лойиҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбалари-

радаги ташаббусларнинг қўллаб-қувватланиши эса қўшимча самарадорлик беради.

Қолаверса, томорқачилик хуудларда камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш ҳамда доимий даромад манбаи билан таъминлашда таянч нуқтага айланиб бормоқда. Бугунги кунда сабзавот, қўқатлар ёки бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришда кичик ҳажмдаги иссиқхонадан фойдаланиб, даромадли тижорат гоьларини амалга ошириш мумкин. Бу борада аҳолига тақлиф этилаётган лойиҳалар эса ҳамёнбop, тежамкор ва самарали бўлишига эътибор қаратилаяпти.

рилади. Бу бир неча босқичдан иборат жараён бўлиб, аввало, иссиқхоналар учун янги қоплама материаллардан фойдаланиш тақлиф этилади. Қалинлиги 180-200 микрон бўлган ўта пишиқ полиэтилен плёнкалар таркиби махсус қўшимчалар билан тўйинтирилган. Мазкур қўшимчалар билан ўтказилган нурланишни ўзига ютиб, иссиқхонанинг ички юзасида томчилар шаклида конденсация ҳосил бўлишининг олдини олади.

Қиш ойлари иссиқхонани иситишда озиқ-овқат хавфсизлиги ва атроф-муҳитга зарарсиз бўлган муқобил иситиш тизимларидан фойдаланилса, иссиқ кунларда совитиш учун иссиқхона юза-

тўшалган. У иссиқхона ичига киришдан олдин пойабзалдаги вирус ва бошқа касалликларни ушлаб қолади.

Қолаверса, лойиҳа доирасида танлаб олинган 20 та иссиқхонанинг барчасига насос, филтёр, сув идишлари ва шлангдан иборат замонавий томчилатиб сугориш тизимлари ўрнатилди. Ҳар бир хонадон эгасига сувнинг шурлиги ва кислоталилиги, электр ўтказувчанлигини ўлчайдиган махсус асбоблар берилди. Ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, ҳар учала хуудда сугориш учун фойдаланиладиган сувнинг шурлиги ва кислоталилиги юқори экани аниқланган. Шу боис, лойиҳа иштирокчилари экинни сугоришдан олдин сувга махсус кислоталар қўшиб, унинг кўрсаткичларини тўрғайиб боради.

Тажрибани сновдан ўтказаяётган хонадон аъзолари “ақлли” иссиқхонадан фойдаланиш давомида илғор технологиялар ишни тўғри ва самарали ташкил этишига амин бўлмоқда.

— Менга зараркундаларга қарши курашда ФАОнинг янги ёндашувлари жуда ёқди, — дейди андижонлик Мақсудахон Баҳромова. — Ўтган йили томорқачиликда помидор етиштирган эдим. Афсуски, зарарли ҳашаротлар ҳосилнинг

“ Лойиҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қишлоқ ҳўжалигини илмий асосда ва интенсив ривожлантириш орқали деҳқон, фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ ҳўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш белгиланган.



БУГУННИНГ ГАПИ

ХУСУСИЙ МУЛК — ДАХЛСИЗ

БУ ТАМОЙИЛ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚАНДАЙ КАФОЛАТЛАНЯПТИ?

Ботир МАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда мулкдорларнинг ўрни ниҳоятда катта. Зеро, улар жамиятдаги ўзгаришларга бевосита дахлдор қатламдир. Хусусий мулкка муносабат эса жамият тақдирини ҳал қилувчи омиллардан бири.

Бундан 5-6 йил муқаддам хусусий мулк дахлсизлиги абгор аҳволда бўлгани сир эмас. Айниқса, ер участкаларини реализация қилиш, тендер савдолар ўтказиш ҳамда давлатга тегишли бўлмаган бино ва иншоотларни бузишга оид аниқ ва лўнда ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд эмаслиги мулкдорлар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бюрократик тўсиқ ва сансоларликлар юзга келишига сабаб бўларди.



Президентимиз 2019 йил 13 августда “Хусусий мулкни химё қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кўчайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тўдан тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Мазкур ҳужжат билан мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини химёялаш кафолатларини кўчайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйгани учун масъул шахслар жавобгарлигини ошириш йўналишлари белгиланди. Бу борада Бош прокуратура ва Ўзбекистон Президенти

хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химё қилиш бўйича вақилнинг масъулияти оширилди. Улар зиммасига хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига, мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусийлаштирилган мулкка таъовуз қилиш, мулкдорга қасддан номақбул шартларни ва асосиз талабларни қўйиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатиш ва зарур чораларни кўриш каби вазифалар оқлатилди.

Бугунги кунда “Ҳар бир фуқаро бой бўлса — давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса — мамлакат фаровон бўлади”, деган халқона гоь иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан

бирига айланган. Президентимизнинг жорий йил 8 апрелда эълон қилинган “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармонида ҳам шу тамойилни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатлари муҳим.

Ҳужжатда хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш борасидаги институционал ва маъмурий ислохотларни давом эттириш ҳамда бу борада қўнун устуворлигини таъминлаш барча тармоқ ва соҳаларда хусусий секторнинг ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини шаффоф тарзда хусусийлаштириш механизмларидан, энг аввало, хусусий инвесторларни жалб қилишнинг муҳим омилли сифатида фойдаланиш ҳамда ерларни аукционга чиқаришда уларнинг жозибадорлигини ошириш учун инфратузилма ва бошқа зарур шaroитларни яратиб бериш ҳам назарда тутилган.

Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари ҳамда дастурларда бозор тамойилларига асосланган бу каби чора-тадбирлар, ҳаётий тамойилларнинг таъбиқ этилиши тўғрисида иқтисодий тафаккуримиз ҳам ўзгариб борапти. Бу жиҳатлар тадбиркорларнинг маъшиий орозу-мақсадлардан кўра, ижтимоий лойиҳаларга сармоа киришти, фарзандларининг сифатли таълим олиши, соғлом ўсиши, замонавий касб-хунарларни эгаллаш, тил ўрганиши, саёҳат ва зиёрат ҳамда тижорат қилишга интилишларида намоён бўляпти. Энг қувонарлиси, бунга юксак ахлоқий мезонларга таянган ҳолда ҳалол тадбиркорлик орқали эришиш энг афзал йўл экани кўндалик ҳаётимизга сингиб борапти.

Албатта, инсоннинг интилишини чеклаш ўрнига унинг тадбиркорлик ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширишга кўмаклашиш, зарур шaroитлар яратиб бериш иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади. Буни ҳатто ҳеч қандай ҳомашё захирасига эга бўлмаган давлатларнинг эришган иқтисодий ютуқларидан ҳам яхши биламиз.



рон ҳуқумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали оляпти. Бу хусусий мулк эгаларининг ҳужжатлар тўплаш учун идоралар олдда сарғайиб вақт йўқотиши ва сарсонгарчиликларига чек қўйди.

Президентимизнинг шу йил 20 апрелда имзоланган “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўналишлардаги ишларни янги босқичга кўтарди. Бинобарин, Тараққиёт стратегиясида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли химё қилиш тизимини таъминлаш, барча турдаги тўсиқлик ва чекланишларни бартараф этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада кўчмас мулк ва унга таалуқли ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофлик тамойилини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги очиқ маълумотлар таркибини белгилаш ва оммавий геопортални жорий этиш ҳамда маълумотларни Миллий геоахборот тизими орқали давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилди.

Табиийки, қўрилаётган бундай чоралар давлат идорасининг расмий маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини химё қилишнинг муқаммал тизими ҳамда инсофли эгалловчининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш ва мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг молиявий механизмларини амалиётга жорий этишда ҳам қўл келади.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликда хусусий мулк дахлсизлиги ва химёяси кафолатларининг кўчайтирилиши унинг эркин тасарруф қилиниши, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиши, тадбиркорлик фаолияти ривожини, пировардида турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР

ИНСОННИНГ РУҲИЙ ОЛАМИ

УНИ ТАДҚИҚ ЭТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ РИВОЖИГА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА?

Тарихга бир назар

Шахс камолоти, тарбияси, одамларни қамолатга етказиш, инсонлар руҳиятини тадқиқ этиш масаласи буюк аждодларимиз диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, буюк қомусий олим, файласуф ва мутафаккир Абу Наср Форобий Шарқ психологик қарашларининг ривожланишида улкан ҳисса қўшган. Форобийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақидаги фикрлари “Фозил одамлар шахри”, “Масалалар моҳияти”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Жисм ва акциденцияларнинг шакллари қараб бўлиниши”, “Шарҳлардан”, “Ҳикмат маънолари”, “Ақл маънолари тўғрисида” каби қатор асарларида баён этилган.

Уз даврида инсон руҳиятининг чинакам билимдони Абу Али ибн Синонинг машҳур “Китоб ал-қонун фит тиб” (“Тиб қонунлари”) асариди ҳам психологияга доир алоҳида бўлимлар мавжуд.

Юнон олими Гиппократ эса одамларни темперамент хусусиятларига кўра тоифаларга бўлган. Платон руҳиятшунослик ҳақидаги қарашларнинг фалсафий асослари ривожланишига ҳисса қўшган. Аристотель ўзининг “Қалб ҳақида” деб номланган тараққатиди инсон қалбининг, ички дунёсининг ўзига хос томонларини очиб берган.

Психология атамасини илк бор немис файласуфи Рудольф Гоклениус 1590 йилда ўзи ёзган мақолада инсонларнинг ички кечинмалари ҳақидаги тушунчани ифодалаш учун ишлатган бўлса, унинг замондоши, илоҳиётшунос олим Оттон Касман ушбу атамани бугун биз билладиган мазкур фанни номлаш учун қўллаган.

Яқин ўтмишга чинакам инкор этилган ва оқсаган фан

Мамлакатимизда замонавий психология фани тарихи собиқ иттифоқ даври билан чамбарчас боғлиқ. Собиқ иттифокда ўтган асрнинг 60-йилларигача психология фанига етарлича аҳамият берилмас эди. Психология фанининг энг янги баъзи йўналишлари у қадар эътибор қаратилмаган. Масалан, АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий психология йўналиши 60-йилларгача буржуа фани сифатида инкор этиб келинган.

Психология фанига бундай ёндашув кадрлар тайёрлашда ҳам ўз аксини топмай қолмади. 80-йилларнинг ўрталаригача Ўзбекистонда фақат Тошкент Давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) психология йўналишига ҳар йили 25 нафар талаба қабул қилинар эди. Бундай ёндашув оқибатида 1990 йил бошларида собиқ иттифокда ҳаммаси бўлиб олий маълумотли психологлар сони 5 минг кишига ҳам етмаган. Қиёслас учун: ўша йилнинг бошларида АҚШда олий маълумотли психологлар сони 300 мингдан ошарди. Ҳар минг кишига ҳисоблаганда АҚШда психологлар сони собиқ иттифоққа қараганда 60 баробар кўп бўлган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда психология фанига кўпроқ эътибор берилди бошланди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 28 та олий таълим муассасасида “Психология”, 19 та олий таълим муассасасида “Педагогика ва психология” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 23 минг нафардан зиёд талаба тахсил олмақда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритади. Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилган мазкур ташкилот психологик хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳа вакиллари учун методик қўлланмалар яратиш, корхона ва ташкилотларда турли семинар ва тренинглар ўтказиш орқали уларга психологик ёрдам бериш билан шуғулланади.

2019 йилнинг 7 май куни Вазирлар Маҳкамасининг “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул

қилинди. Унга кўра, Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш республика маркази қайта ташкил этилди.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим ва халқ таълими тизимини минглаб педагог-психолог кадрлар фаолият олиб борапти.


Психология бу — илм, фолбинлик-чи?

Ҳаёт бир текис эмас: пасту баландликлардан, ўнқир-чўнқирлардан, бахт ва омадсизлик, муваффақият ва йўқотишлардан иборат. Инсон ҳаётда кутилмаганда турли синовларга дуч келиб, руҳий қийинчиликларни бошдан ўтказиши табиий. Инсонни руҳий оғриқлардан дори-дармон фориғ этолмайди. Бундай пайтда дардини кимгадир айтиб, ундан халос бўлишни истайди. Инсон омили бунда муҳим роль ўйнайди.

— Яқин-яқинларгача одамлар руҳий муаммолари бўлса, мушкуллими осон қилади деб, кўпроқ фолбинга мурожаат қиларди, — дейди Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси аъзоси, оила ва болалар психологи Шоира Исоқова.

— Ҳатто одамлар психолог ёки психиатрга мурожаат қилишдан истихоло қиларди. Гўё, бу ҳақда кимдир билиб қолса, уни руҳий касалга чиқариб қўядигандек нотўғри тушунча шаклланди. Фолбинга руҳий шифо истаб эмас, асосан, “йўлимни очиб беринг”

Ўз даврида инсон руҳиятининг чинакам билимдони Абу Али ибн Синонинг машҳур “Китоб ал-қонун фит тиб” (“Тиб қонунлари”) асариди ҳам психологияга доир алоҳида бўлимлар мавжуд.



қабилда мурожаат қилинади. Психология — кенг тармоқли фан. Унинг асосида илм ва изланишлар бор. Бу фан далил ва исботларга таянади. Биз эса руҳий тушунлиққа тушиб қолсак, ҳаётда бирор тусиққа дуч келсак, аксарият ҳолларда ота-онамиз, ака-укаларимиз, қавму қариндошларимиздан маслаҳат сўраймиз, уларнинг руҳий далдасига таянамиз.

Мутахассиснинг таъкидлашича, психолог худди психотерапевт ва психиатрга ўхшаган касб. Фақат у гуманитар фанлар билан табиий фанлар илмини уйғунлаштирган мутахассис. Олиб борилаётган тарғибот ишлари, психология фанининг ривожланишига ечим топилаётгани натижасида бундай эскича қарашлардан аста-секин воз келияпти. Бугунги замон шиддати билан одамларнинг дунёқарши ҳам ўзгаряпти, психология бўйича илғор ютуқлар билан одамлар телевидение, интернет, ижтимоий тармоқлар орқали танишиб, унинг аҳамиятини тушуниб етляпти. Натижада психологларга мурожаат қилувчилар кўпайган.

Унинг қўшимча қилишича, одамлар асосан болалар тарбияси масаласида, уларнинг ўсмирлик даврида феъл-атворини ўзгаришлар, чет тилларни



“ Психология эса одамларнинг руҳияти, ички дунёсидаги муаммоларни тадқиқ этиш орқали уларга ечим топиб берадиган, одамларда ўзига ва эртанги кунга ишонч ҳиссини ошириб, уларга мотивация беришга хизмат қиладиган фан, катта илм. Шундай экан, мазкур соҳани янада ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, психологлар мактабини шакллантириш жамият ривожига, пировардида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

қилиш) шайтон амалларидан бўлган (ҳаром этилган, ёмон) ишдир”, дейилган. Демак, фол ва фолбинлик қаттиқ қораланган катта гуноҳ. Агар гап психологлар ҳақида кетса, улар ҳам дунёвий, ҳам диний билимларга эга бўлиши жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз. Биз ўзининг асрлар давомида безавол этиб келган миллий ўзига хослик, қадрият, урф-одатларга эга халқимиз ва шарқона менталитетга мансубимиз. Фарб менталитети ва психологиясида бизнинг қарашларга тўғри келмайдиган жиҳатлар кўп. Шундай экан, психологияда Фарбга хос барча жиҳатларни ҳам бизда бирдек тадқиқ этиб бўлмайди. Шу боис, психологлар инсон руҳияти билан ишлаётганда шарқона менталитетни ҳисобга олишлари жоиз. Турли муаммолар, руҳий тушунлиққа дучор бўлган баъзи одамлар таскин излаб биз, дин вакиллари ҳам мурожаат қилади. Биз инсонларнинг дардини тинглаб, динимиз



ва шариат қоидалари асосида уларга керакли насиҳатларни берамиз.

“Мен келажакда психолог бўламан!”

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети психолог кадрларни етиштириб берадиган илғор таълим муассасаларидан саналади. Талабалар бакалавр босқичида амалий психология, оила психологияси, ёшлар психологияси, магистратура босқичида эса психология, оила психологияси, ижтимоий психология йўналишлари бўйича тахсил олади.

Ана шундай талабалардан бири Милена Новосёлова Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйида камол топган, шу ерда тахсил олган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 28 июль

куни мазкур Меҳрибонлик уйига ташрифи чоғида бу ерда тарбияланаётган ёшлар қатори Милена билан ҳам суҳбатлашган.

— Президентимизнинг Меҳрибонлик уйига ташрифлари ҳаётимда янги саҳифа очди, — дейди М. Новосёлова. — Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, биз билан суҳбатлашди. Менга ҳам юзлашиб, қайси йўналишга ўқишга топширмоқчилигини сўради. Келажакда психология йўналишида ўқишни мақсад қилганимни айтган

ижтимоий масъулияти ва шахс сифатидаги фаоллигини белгиловчи омилардан бирига айланмоқда. Буни психология илми кўплаб соҳаларда татбиқ этилганида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, табиий ва клиник психология, психоллингвистика, психогенетика, бошқарув психологияси, савдо психологияси, геронтопсихология, кросс-маданий психология, меҳнат психологияси каби долзарб йўналишлари борки, уларнинг ривожига жамият тараққиётига хизмат қилади.

Психология атамасини илк бор немис файласуфи Рудольф Гоклениус 1590 йилда ўзи ёзган мақолада инсонларнинг ички кечинмалари ҳақидаги тушунчани ифодалаш учун ишлатган бўлса, унинг замондоши, илоҳиётшунос олим Оттон Касман ушбу атамани мазкур фанни номлаш учун қўллаган.



нимда, менга катта далда ва ишонч берганидан жуда қувониб, севинчим ичимга сиймай кетди. Эртаси куни Миллий университет ректорининг шахсан ўзи келиб, шу олийгоҳнинг талабаси бўлганим ҳақидаги сертификатни топширди. Ўтган йили менга бир хонали уй ҳам берилди. Бундан бошим кўкка етди. Шундай юрда яшаётганимдан, гамхўр Президентимиз борлигидан фахрландим. Университетда психология йўналишида малакали ўқитувчилар бизга сабоқ берапти. Бу ерда барча шароитлар муҳайё. Ёш бўлишимга қарамай, болаликда кўп қийинчилик кўрдим. Ойим ўн беш ёшимда вафот этди. Отам бошқа аёлга уйланди. Мени Меҳрибонлик уйи ўз бағрига олиб, ота-онамнинг йўқлигини сездирмади. Меҳрибонлик уйи директори Умида опам менга она ўрнида она бўлди.

Ҳаётда ана шундай руҳий кечинмаларни бошдан ўтказганим учун турли муаммоларга дуч келган одамлар дардида дармон бўлишни, уларга кўмак беришни орзу қилардим. Болалар уйида яшаётган пайтимаёқ психология

Хаётда ана шундай руҳий кечинмаларни бошдан ўтказганим учун турли муаммоларга дуч келган одамлар дардида дармон бўлишни, уларга кўмак беришни орзу қилардим. Болалар уйида яшаётган пайтимаёқ психология

ҳақида китоб ёзишни бошлаганман. Шу китобни ёзиб тугатиш арафасидаман. Кейинчалик ўқишимни магистратура босқичида ҳам давом эттириш, келажакда одамларга нафи тегадиган психолог бўлиб етишишни ният қилганман.

Психологик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш зарур

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жамиятнинг замонавий тараққиёт даражасида психологиянинг долзарблиги ортиб бормоқда, давлат ва шахснинг ривожланишида психологик билимларнинг ўрни, муҳимлиги тобора ойдинлашмоқда. Айнан бундай билимлар ҳар бир инсоннинг жамиятдаги мақоми, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишиши, келажакда интилиши ва фаровон ҳаёт кеچириши учун

Мазкур соҳанинг аҳамияти юқори эканини жаҳоннинг етакчи мамлакатларида психологлар фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга хизмат қиладиган Америка психологлар ассоциацияси (APA), Британия психологлар жамияти (BPS), Психологлар ассоциацияларининг Европа федерацияси (EPPA) каби етакчи ташкилотлар фаолият юритаётганида ҳам кўриш мумкин. Жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингларида етакчилик қилаётган 50 та университетда психологлар тайёрлаш йўлига қўйилган бўлиб, улардан 21 таси АҚШ, 9 таси Буюк Британия, 7 таси Австралия, 3 таси Канада, 3 таси Гонконг, 2 таси Сингапур, 2 таси Нидерландия, 2 таси Янги Зеландия ва 1 таси Бельгиядаги университетлар улуғига тўғри келмоқда.

Психология фанини янада ривожлантириш, аҳолига сифатли психологик ёрдам олиш имкониятини кенгайтириш учун баъзи муаммоларга ечим топишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Масалан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Россия каби ривожланган давлатларда психологияга катта эътибор қаратилади. Мазкур давлатларда кўпчилигининг оилавий психолог бор. Бизда эса бу йўналишда фаолият юритадиган психологлар ҳозиргача етишмайди.

— Мазкур муаммоларни ечиш учун Ўзбекистонда аҳолига психологик хизмат кўрсатиш бўйича қонунга зарурат туғилмоқда, — дейди Шоира Исоқова. — Психологлар, псевдопсихологлар, эзотериклар ҳам фаолият лицензияланмагани учун ўзларининг тренинглари, консултациялари учун ҳоҳлаган нархларини қўйиб олмақда. Одамлар хусусий ташкилот, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида психологик марказлар очишга мажбур бўлмоқда. Психологик хизмат сифати ҳали-ҳамон талаб даражасида эмас. Мазкур фаолият қонун йўли билан тартибга солинсагина, соҳа дунё стандартлари асосида ривожланиши, аҳоли сифатли психологик ёрдам олиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, нафақат жисмоний, балки руҳий соғлом одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Психология эса одамларнинг руҳияти, ички дунёсидаги муаммоларни тадқиқ этиш орқали уларга ечим топиб берадиган, одамларда ўзига ва эртанги кунга ишонч ҳиссини ошириб, уларга мотивация беришга хизмат қиладиган фан, катта илм. Шундай экан, мазкур соҳани янада ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, психологлар мактабини шакллантириш жамият ривожига, пировардида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ШУКРОНА

1200 ЁШЛИ ЧИНОР

УНИНГ КОВАГИДА 25-30 КИШИ ЧОРДОНА ҚУРИБ ЎТИРСА БЎЛАДИ

ТУРИЗМ МАНЗИЛЛАРИ

Гулсум ШОДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Дунёда пандемия пайтида ўрнатилган чекловлар бирин-кетин камаяётгани туфайли туризм индустрияси тиклана бошлапти. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида юртимизга хориждан 610 минг нафар ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробардан ортиқ сайёҳ келган. Кейинги ойлarda янада кўп туристлар келиши кутиляпти. Бу маълумотлар Президентимиз раислигида шу йил 26 апрель куни туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йўналишида алоҳида қайд этилди.

Чет элликларнинг мамлакатимиз тарихи, меъморчилик обидалари, мозийдан сўйловчи осори атиқаларию, зиёратгоҳларига қизиқиши юқори. Бироқ улар борадиган манзиллар ҳали-ҳамон саноклиликча қолмоқда. Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишда мамлакатимизда туризм салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини берадиган, Чимён, Билдирсий ёки Зоминдан кам бўлмаган, лекин салоҳияти ҳали ишга солинмаган туристик манзиллар кўпчилигини таъкидлади. Ҳақиқатан, бундай манзилгоҳлар юртимизда сероб. Уларни излаб топиш, сайёҳлик имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш керак, холос.

Бу борада Президентимизнинг шу йил 30 апрель куни қабул қилинган "Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Боиси, мазкур қарор билан туризм инфратузилмасини яхшилаш орқали сайёҳларга янада қулай шароитлар яратиш, ички туризмни ривожлантириш, юртимизнинг айти йўналишдаги имкониятларидан самарали фойдаланишга оид устувор вазифалар белгиланди.

Китоб тумани юртимизнинг энг сулим ва баҳаҳо гушаларидан эканини кўпчилик яхши билади. Худудни уч томондан баланд тоғлар ўраб туради. Кўзланган манзил — виқорли ва гўзал тоғлар орасидаги Имкана қишлоғига туман марказидан 12 километрдан зиёдроқ йўл босиб борилади.

Қишлоқ денгиз сатҳидан 900 метр баландда жойлашган бўлиб, одамлар орасида "Хужаимкана", "Хўжа илмкони" номлари билан машҳур. Аҳолисининг аксарияти боғдорчилик, чорвачилик, хунармандчилик билан шугullanанади. Қишлоқ аҳли худудда юртимиздаги энг улкан кекса чинор дарахти ҳамда қадимий сув иншооти борлиги билан фахрланади.

Шарқий томонида ястаниб ётган Қорахон тоғи этакларидан сизиб чиқувчи катта-кичик ўнлаб булоқ бирлашувидан ҳосил бўлган чорқор ариқ қишлоқни сув билан таъминлайди. Айтишларича, азалдан қишлоқ билан булоқлар орасини баландлиги эллик-олтмиш метрлик табиий тепалик тўсиб турган. Шу боис, ҳар ишда тadbirkor бўлган ота-боболар булоқ сувини тепалик остида қишлоққа олиб ўтишининг ўзига хос усулини ўйлаб топган. Жумладан, тепалик устида 13 та кудуқ қазилиб, ерости йўли орқали ўзаро туташтирилган. Ҳозир ҳам сайёҳларни лол қолдираётган ушбу кудуқлар маҳаллий аҳоли тилида кориз деб аталади. Улар бундан 5-6 аср муқаддам бунёд этилган. Ҳозир ҳам аҳолига чашма сувини етказиб беришга хизмат қилапти.



Ушбу булоқлар суви жуда мусалло, ёқимли ва муздайлиги билан эътиборни жалб этади. Ҳайратланарли жиҳати, қишда сувнинг ҳарорати мўътадиллашади. Тошлар ичидан чиқиб келадиган булоқ суви яқин атрофдаги учта қишлоқни ичимлик сув билан таъминлайди. Имкана қишлоғида булоқлардан ташқари табиатнинг яна бир дурдона ёдгорлиги бор. У қўҳна чинор бўлиб, ёши ўн икки асрни қоралаган. Уни том маънода халқнинг беназир бойлиги деса ҳам бўлади. Чунки бугун ана шу қўҳна чинорни кўриш, табиат инъом этган мўъжизадан ҳайратланиш, мозий ва бугун билан юзлашиш учун қишлоққа дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келади.

Мутахассисларнинг эътирофига, 1200 ёшга кирган бу чинор юртимиздаги энг кекса дарахт ҳисобланади. Унинг ковагида 70-80 киши тик ёки 25-30 киши чордона қуриб ўтирса бўлади. Дарахт танасидаги табиий ёриққа эшик ўрнатилган. Асрлар ўтиши билан тана мар-

зиёратгоҳларга эътибор кучайган. Минг йилларни ортада қолдириб яшаётган чиноримизга яна лайлақлар келиб, ин қура бошлади...

Бу қишлоқда табиат мўъжизалари билан бирга, муқаддас қадамжоларга ҳам дуч келасиз. Китоб тумани худуди қадимий обидаларга бой. У ерда 174 та маданий обида бўлиб, шундан 6 таси зиёратгоҳ. Айниқса, туман худудида жойлашган тарихий меъморий обидалардан Ҳазрати Султон ва Ҳазрати Башир ота макбаралари, олим ва шайх Хўжа Абдулбоқи номи билан боғлиқ Хўжа Имканайи хонақоҳи жуда машҳур.

— Имкана қишлоғини Сўфи Оллоёр ва Бобораҳим Машраб таърифлаган, — дейди Ҳазрати Мавлоно Хўжа Имканайи зиёратгоҳи масъул ходими Лочин Жалилов. — Тарихий манбаларга кўра, Алишер Навоий ҳазратлари Зарафшон тоғ тизмаларидан ўтаётиб, ҳали мана шу қишлоқ илмининг ўчоғи, қони бўлади, деган. Ҳазрат зикр этганидек, бу қишлоқ ҳозир улуг донишманд, шайх, тасаввуф илмининг забардаст тарғиботчиси, кўплаб илмларни эгаллаган пири комил Мавлоно Абдулбоқи Хўжа Имканайи ибн Мавлоно Дарвеш Мухаммад Вахшиворий (1512-1600) номи билан боғлиқ. Хўжатларда ёзилишича, Хўжа Имканайи 1512 йили термизлик сайидлар оиласида дунёга келган. Уша йиллари юз берган нотинчлик сабаб Мавлоно шу қишлоққа кўчиб келган ва Кеш вилоятида нақшбандия тариқатининг Имкана мактабига асос солган. Алломанинг саъй-ҳаракати билан нақшбандия тариқати олис Хиндистон худудига ҳам етиб борган ва Сирхинд мактаби юзага келган. Манбаларда келтирилишича, Мавлононинг падари бузруквори Дарвеш Мухаммад давридаёқ қишлоқда масжид, хонақоҳ ва мактаб фаолият кўрсатган. Кейинчалик аштархоний ҳукмдорлар Хўжа Имканайи хурматига Имкана қишлоғида йирик меъморий иншоотлар мажмуасини қуради. Уз даврида қишлоқ мадрасасида 400 дан ортиқ талаба диний ва дунёвий илмлардан баҳраманд бўлган. Бироқ Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва кейинги йилларда мавжуд мадраса ва масжидлар бузиб ташланади. Археолог маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 30-йилларида мажмуа вайронлари сақланган. Кейинчалик бир йилларни мактаб, завод қурилишига ташиб кетилган. Уз даврида мажмуа таркибиде бешта масжид, 43 хонали мадраса, шунингдек, ўзига хос йирик арқли гиштин кўприк бўлган. Ҳозир мажмуадан фақат хонақоҳ биноси сақланиб қолган.

Манбалардан бирида ёзилишича, кўп йиллар муулмонлар диний қувватни Мавлоно Хўжа Имканайи маскан топган Хўжа илмкони қишлоғидан олган. Ҳатто ҳукмдорлар ҳам у кишининг зиёратига келган. Қишлоқ илмининг маркази бўлгани сабабли Бухоро амирлиги қозиси ва мирзоси ушбу жойдан танланган. Мадрасалардаги муфти, раис, қозикалон сингари ўнлаб лавозимлар эгалари, жумладан,

бозордаги тарозибонлар ҳам Ҳазрат Имканайи мактабини тугатган илм аҳли орасидан танлаб олинган. Чунки Хўжа Имканайи мадрасасида диний ва дунёвий илмлар ниҳоятда чуқур ўқитилган.

...Қўҳна чинор ҳақида яна бир гап. Мавлоно бу қишлоққа 1545-1550 йилларда келгани тарихий манбаларда қайд этилган. Уша кезде у кишининг бошпанаси бўлмаган. Чинор Мавлонога ҳам бошпана, ҳам мадраса бўлиб хизмат қилган. Асосийси, пирнинг маслағи, мақсади халқни илмли қилиш, одамларни эзгуликка бошлаш бўлса, чинор бу борада мактаб вазифасини бажарган.

— Зиёрат ва саёҳат қилиб руҳияти-мизда ажиб енгиллик сездик. Кайфияти-миз кўтарилди. Бу заминда тўғилиб ўсган кўплаб алломалар ислом оламида чуқур из қолдирган. Уларнинг тарихи билан танишмиз. Бундай аждодларингиз билан ҳақиқи равишда фахрлансангиз арзийди. Самарқанд ва Бухорода бўлдик, ҳозир бу муборак зот қабрини ҳам зиёрат қилдик. Улуг чинорни кўриб ҳайратимиз ошди. Юртингизга ташрифимиз шу пайтгача қилган саёҳатларимизнинг энг гўзали бўлди, — дейди туркиялик Меҳмет Чан. Худди шундай фикрларни британиялик, покстонлик, арабистонлик меҳмонлар ҳам катта ҳаяжон билан айтди.

— Хўжа Имканайи қабрини зиёрат қилиш орзуим эди, — дейди навоийлик Инобат Исмоилова. — Бундан бир неча йил олдин бир китоб ўқидим. Унда номи келтирилган улуг инсонлар орасида Мавлоно ҳақидаги битиклар чуқур таассурот қолдирди. Шундай муборак кунларда оиламиз аъзолари билан у зотнинг қабрини зиёрат қилиш насиб этди. Айниқса, минг йиллик чинорни кўриб, кўзимдан шашқатор ёш окди. Назаримда, қанчадан-қанча суронли даврлар сипиласига кўксини кериб, дош бериб келаётган бу қадимий дарахт жасорат тимсоли, мўъжизанинг ўзгинаси. Қанийди, дунё сайёҳлари шу ерга келиб, табиатнинг бу беназир тўҳфасини ўз кўзи билан кўрса...

Имкана қишлоғи ҳамда Хўжа Имканайи зиёратгоҳи ўз бағрида тарихнинг кўплаб сир-синоатларини мужассам этган. Шу боис, қадамжого Туркия, Эрон, Покистон, Арабистон, Миср, Индонезия, Германия, Италия, АҚШдан сайёҳлар келиб, бу табарруқ ўлкада бугун ҳам мусулмон ахлоқи ва маданиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганидан ҳайратга чўмиб кетмоқда.

— Сўнгги йилларда олиб борилган ободончилик ишлари меъморий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар қишлоқнинг тубдан ўзгартириб юборди. Хусусан, ислом тарихига мансуб обидалар ободонлаштирилиб, нураган жойлари қайта таъмирланиб, давлат муҳофазасига олинди, — дейди Китоб тумани туризмни ривожлантириш бўлими бошлиғи Азимжон Қобилов. — Зиёратчи сайёҳлар, биринчи навбатда, осойишталик, поклик, ободликка қарайди. Шунинг учун тарихий мажмуаларни ободонлаштириш жараёнида худуднинг иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар, ноёб гуллар экилмоқда. Атрофда гулзор ва яшил майсазорлар ташкил қилинапти. Биноиншоотларни қуриш ва таъмирлашда миллийлик ҳамда замонавийликнинг уйғунлашувига эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлар учун худудларда меҳмонхоналар, чойхоналар, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этиляпти. Зиёратгоҳларни ўзаро боғлайдиган йўллар реконструкция қилиниб, замонавий инфратузилма шакллантирилмоқда. Бунинг натижасида туманимиздаги меъморий ёдгорликларни кўриш истагида бўлган маҳаллий ва хорижий туристларнинг сони сезиларли даражада ортиб бормоқда. Мамлакатимизнинг ўтмиши ва бугунги салоҳияти, ижобий қиёфасини жаҳон танимоқда.

"Юрган дарё, ўтирган бўйра" деб бежиз айтилмаган. Имкана қишлоғи бўйлаб сафаримиз беҳад мароқли кечгани рост. Бу ерда тарихий жойларни, табиат сир-асрорларини, ҳар би кунидан манун бўлиб, мазмунли умр кечираётган одамларни, ўз шонли тарихи ва бугунидан фахр туйиб изланишда давом этаётган мутахассисларни кўрдик. Яна бир қарра аниглаб етдикки, юртимиз ўзек ва бой тарихга эга. Бунки ўрганиш учун йиллар керак. Энг муҳими, қизиқиб, ўрганувчилар ҳам бор. Аслида бу ҳам Ватанга муҳаббат ва фахр туйғусидан келиб чиқади. Юрт шайдолари эса тарих ва бугун тўғрисида яна кўплаб янги тилсимларни кашф этади.

УМРА ЙЎЛИ



Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

*Кутилмаган таклиф гоийбдан бахтдир,
Кўнглилар кўзида қувонч қалқиди.*

*Аслида бу бизга самовий тахтдир,
Ногоҳ бошимизда қуём балқиди.*

*Бу зиёрат завқи, барака топгур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!*

*Кўкда оққуши мисол елиб боряпмиз,
Пойимизга тўшар булутлар ўзин.
Ахир, Ўзбекистон бўлиб боряпмиз,
Ёмғирдек ёғдириб "Машаллоҳ" сўзин.
Тайёра бағрига сизмайди сурур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!*

*Бизни қабул қилди раваиз гавҳар,
Чорлаган ўзингсан, эй қодир Оллоҳ!
Мадина — муқаддас, мунаввар шаҳар,
Ассалом алайка, ё Расулоллоҳ!
Сизга салом бермоқ нақадар ҳузур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!*

*Бунда сойим турмоқ бизга саодат,
Элу юрт, Юртбоши саломи билан.
Дунё тилчир бўлсин, деб қилдик ибодат,
Яратганинг ёруғ каломи билан.
Сажда дийдоридан дийдамизда дур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!*

*Мақкада муродлар ҳосил бўлгуси,
Ҳар муслим орзуси — Каъба тавофи.
Шаффоф дуоларга осмон тўлгуси,
Бор оламга татир унинг савоби.
Бизни йўллаган зот, Сизга ташаккур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!*

*Минг-минглаб мўминлар тили нидода,
Гоҳ сокин, гоҳ бўзлаб истиғфор айтар.
Ким ҳалол, хушият — дили Худода,
Умид уммонидан покланиб қайтар.
Шукур, шукур сўзи беҳад айтилур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!*

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока"
газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧК масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1314
86602 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов
Мусахҳас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 00:50 Топширилди — 01:30

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz